

«Оксфорд» масжиди Рамазонда муҳтожларга иссиқ овқат тарқатади



18:29 / 05.04.2021 2138

Оксфорд маҳаллий масжиди Рамазон ойида муҳтожларга иссиқ овқат етказиб беришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Аввалроқ, «Оксфорд» марказий масжиднинг кўнгиллилари ҳафтада бир марта муҳтожларга озиқ-овқат тарқатишган. Рамазон бошланишидан бир кун олдин ва муқаддас ойнинг охиригача кўнгиллилар муҳтожларга ҳар куни бепул овқат тарқатишади.

«Бизга ҳар хил табақадаги одамлар ёрдам беришгани учун фахрланамиз ва севимли шаҳримизни бирлаштирганимизда бу жуда ажойиб эди», - дейди масжид бошқарув қўмитасидан Файсал Азиз. — Бизга керак бўлган ҳамма нарсани сотиб олишда ва озиқ-овқатларни манзилларга етказиб беришда ёрдам берадиган жамоа аъзолари бўлишидан жуда бахтиёрмиз.

Рамазон ойида масжид ҳар куни ушбу хизматни тақдим этиши ҳақида хабар беришдан мамнунмиз.

Хуршид Маъруф тайёрлади.